

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА ХАРАЖАТЛАР АУДИТИНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Нурниёзов Феруз Абдурашид ўғли

“Бухгалтерия ҳисоби” кафедрасининг ассистенти

ARTICLE INFO.

Калит сўзлар: Кичик тадбиркорлик, таннарх, аудиторлик фаолияти, электр энергия, инвесторлар, харажатлар, аҳоли, бухгалтерия ҳисоби.

Аннотация

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг барчаси аҳолини турмуш даражасини яхшилаш камбағалликни қисқартириш учун хизмат қилади. Мамлакатимиз раҳбари томонидан камбағалликни қисқартириш учун кичик тадбиркорликни ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга катта ишлар олиб борилмоқда. Кичик тадбиркорликни ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга асосий ролларда электр энергияси сабаби таннархга тасир кўрсатувчи харажатлардан бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу мақолада электр энергия таъминотини ҳисоби ва аудитини мақсадлари ва вазифалари нималардан иборат эканлиги, ютуқлари ҳақида фикрлар бериб борилган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2025 LWAB.

Аудиторлик фаолиятининг таърифи Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги «Аудиторлик фаолияти туғрисида»ги қонунида қуйидагича келтирилган: «Аудиторлик фаолияти деганда аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик текширувларини утказиш ва бошқа шу билан боғлиқ профессионал хизматлар курсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолияти тушунилади»¹.

Институтимиз иқтисодчи олимларидан проф. К.Б.Уразов аудитни қуйидагича таърифлаган: «Аудит - бу хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий хўжалик фаолиятини давлат ва хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатлари нуқтаи назаридан қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мос келишини ички ва ташқи назоратдан ўтказиш, таҳлил ва экспертиза қилиш, шунингдек консалтинг ва бошқа турдаги касбий хизматларни кўрсатиш тизими»².

Электр энергия таъминоти хизматларини кўрсатувчи субъектларда харажатларни аудитлаш муҳим объектлардан бири ҳисобланади. Харажатлар бевосита корхона соф фойдасига таъсир қилганлиги учун ялпи текширишни талаб этади.

Харажатлар ҳақида гап кетганда албатта харажатларни тан олиш ва харажатларни ҳисобини юритиш ўзининг қисимларига ва бўлимларига эга бўлиб ҳисобланади:

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти туғрисида»ги Қонуни (янги тахрири). Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 10 ноябрда қабул қилинган. Сенат томонидан 2021 йил 5 февралда маъқулланган

² Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. 2-қисм. Маъруза матни. – Самарқанд, СамИСИ, 2004, 141-бет.

1-жадвал Харажатларни тан олиш ва ҳисобини юритишнинг тамойиллари

№	Тамойилнинг номи	Харажатларнинг ҳисобида қўлланилиши
"Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонунида		
1.	Узлуксизлик	Бу тамойил корхонанинг доимо ҳаракатдаги субъект, яъни ўз фаолиятини келгусида давом эттирувчи ва ривожлантирувчи субъект сифатида қарайди. Шунга кўра, харажатлар ҳам узлуксиз ҳисобга олиб борилади.
2.	Кўрсаткичларнинг қиёсланувчанлиги	Харажатларни ифодаловчи ахборотлар фойдали ва мазмунли бўлиши учун у турли ҳисобот даврларидаги ахборотлар билан қиёсланадиган бўлиш керак. Ҳисоботдан фойдаланувчилар ушбу ҳисобот қайси усулларга, тамойилларга мувофиқ тузилганлигини билиши лозим. Агар ўтган даврдаги ҳисобот кўрсаткичлари билан жорий ҳисобот давридаги ҳисобот ўртасида фарқ бўлса ўтган давр ҳисоботини ҳам қайтадан таснифлаш лозим, агар таснифлашнинг (ўзгартиришнинг) иложи бўлмаса ушбу қисмда тушунтиришлар, ёхуд характери очиқ берилиши лозим.
3.	Ишонччилик	Ахборотда муҳим хато ёки ғаразлилик бўлмаса ва фойдаланувчилар унга таянишлари мумкин бўлса, ишончли ҳисобланади. Харажатлар ҳисоби бўйича маълумотлар хато бўлмаслиги лозим.
Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларида		
4.	Бухгалтерия ҳисобини икки ёқлама ёзув усулида юритиш	Бу тамойилнинг маъноси шундан иборатки юз берган операциянинг суммасини бир вақтнинг ўзида икки ҳисобда, яъни бир ҳисобнинг дебетида ва иккинчисининг кредитида акс эттирилишини билдиради
5.	Хўжалик операциялари, активлар ва пасивларни пулда баҳоланиши	Бу тамойил харажатларни миллий валютада, яъни сўм ва тийинларда акс эттиришни билдиради.
6.	Аниқчилик	Бу тамойил ҳисобда акс эттирилган ҳар бир харажатларни суммасининг қатъий ҳужжатли асосга эга бўлишлигини билдиради.
7.	Ҳисоблаш	Бу тамойил харажатларни юз берган вақтига кўра тан олишни ва шу вақтдан бошлаб уларни бухгалтерия ҳисобида ва ҳисоботда акс эттиришни билдиради.
8.	Олдиндан кўра билиш(ёқтиёткорлик)	Бу тамойил корхона ҳисоботларида харажатларни кўп (кам) қилиб кўрсатмасликни ифодалайди. Бу тамойилни қўллаш яширин резервларни вужудга келтириш, бирон бир мақсадда тайёр маҳсулотларни кўпайтириб (камайтириб) кўрсатиш ҳуқуқини бермайди.
9.	Ҳисобот даври даромадлари ва харажатларининг мувофиқлиги	Бу тамойил ҳисобот даври харажатлар бўйича харажатларга шу даврда реал даромад келтирган қисмини киритишни билдиради.
10.	Тушунарчилик	Бу тамойил харажатларни ифодаловчи ҳисоботларнинг моддалари ахборот

		фойдаланувчилари учун тушунарли бўлишлигини билдиради.
11.	Тугалланганлик	Бу тамойил харажатлар тўғрисидаги ҳисоб маълумотларининг бирон-бир ҳисобот даври учун жамланганлигини билдиради.
12.	Тезкорлик	Бу тамойил харажатлар тўғрисидаги ҳисоб маълумотларини ва ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришларни бошқарув органларига керакли муддатларда ва ҳажмда етказиб беришни билдиради. Ахборотнинг муҳимлиги ҳам нисбий тушунча бўлиб, у фақатгина ўз вақтидагина муҳим бўлади, кечиккан ёки муддатидан олдин берилган ахборотнинг роли пасаяди.
13.	Мазмуннинг шаклдан устунлиги	Бу тамойил харажатларни агар ҳисоб-китоб ҳужжатларида ва молиявий ҳисоботда ахборот операциялар ва воқеаларнинг мазмунини ишончли даражада акс эттирсин, бундай ахборот унинг ҳуқуқий шакли билангина эмас, балки моҳияти ва иқтисодий реаллиги билан мувофиқ ҳолда ҳисобга олиниши ва тақдим этилиши зарур.

Таҳлил ва натижалар: Электр энергия таъминоти хизматларини кўрсатувчи субъектлар фаолиятини миқдор ва сифат жиҳатдан ифодаловчи кўрсаткичлар тўғрисидаги ахборотларнинг реаллигини таъминлаш ҳам ички, ҳам ташқи фойдаланувчилар учун ўта муҳимдир. Ички фойдаланувчилар учун ушбу ахборотнинг реаллигини таъминлаш негизида, авваламбор, электр энергияси харажатлари корхона фойдасини шакиллантиришда асосий омиллардан биридир. Электр энергия таъминоти хизматларини кўрсатувчи субъектлар самарасиз харажатларни вужудга келиши, талон тарож қилиниши мазкур соҳа субъектларида пировардида зарар кўришларига олиб келади. Зарар кўриш, табиий ҳолда, электр энергияси таъминоти корхонасининг молиявий аҳволини ёмонлашувига, қолаверса синишига олиб келиши мумкин. Айнан шу ҳолга тушмаслик учун электр энергияси таъминоти корхоналари раҳбарлари барча амалга оширилаётган харажатларни, ишлаб чиқариш жараёнлари, улардан олинаётган даромадлар, қилинаётган сарфлар ва бошқа кўрсаткичлар тўғрисида реал ахборотларга эга бўлишлари лозим. Бундай ахборотлар бошқарув органи раҳбарлари ва ходимларига тегишли қарорларни қабул қилишларига имкон беради.

Электр энергияси таъминоти корхоналари фаолиятини миқдор ва сифат жиҳатдан ифодаловчи кўрсаткичлар тўғрисидаги ахборотлар реаллиги ташқи фойдаланувчилар учун ўта муҳим. Бундай ахборотлардан ташқи фойдаланувчилар сафи жуда ҳам кенг ва кўпдир. Энг авваламбор, улар ичида ташқи ва ички инвесторлар туради. Инвесторлар, ўзлари киритган инвестицияларни талон-тарож бўлиб кетишига йўл қўймайдилар. Электр энергияси таъминоти корхоналари фаолияти тўғрисида реал ахборотларга давлат назорат органлари бевосита манфаатдордир. Чунки ушбу фаолият натижалари бевосита солиқ тўловларига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Давлат гарантини асосида турли инвестицион лойиҳаларга киритилган чет эл сармоялари учун давлат жавоб беришлиги сабабли энергияни ишлаб чиқарувчи ва сотувчи субъектларга йўналтираётган маблағлардан оқилона фойдаланиш албатта давлат органлари томонидан назорат қилинади. Юқоридагиларнинг барчаси энергия таъминоти корхоналарида ҳам ички, ҳам ташқи ахборот фойдаланувчиларнинг холис ташқи аудиторлик текширувларидан фойдаланишлардан манфаатдор эканлигидан дарак беради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, электр энергия таъминоти хизматларини кўрсатувчи субъектлар

харажатлар аудитнинг асосий мақсадини тўғри белгилаш ўта муҳим. Бундай мақсад бўлиб, ҳам ички, ҳам ташқи ахборот фойдаланувиларни электр энергия таъминоти хизматларини кўрсатувчи субъектларда харажатларни тўғри ва қонунийлиги ҳамда улар тўғрисидаги маълумотларни ҳисоб ва ҳисоботда реал акс эттирилганлигига холис баҳо бериш ҳисобланади.

Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, электр энергия таъминоти хизматларини кўрсатувчи субъектлар аудит олдига қуйидаги вазифалар қўйилади:

- электр энергиясини харажатларини миқдори ва сифати жиҳатдан ифодаловчи барча кўрсаткичлар тўғрисида асословчи далилларни тўплаш;
- электр энергиясини харажатларини миқдор жиҳатдан ифодаловчи барча кўрсаткичларни ҳисоб ва ҳисоботда тўғри ёки нотўғри акс эттирилганлигини аниқлаш;
- электр энергия таъминоти хизматларини кўрсатувчи субъектларда харажатлар ҳисоб-китобларини ҳисоб ва ҳисоботда тўғри ёки нотўғри акс эттирилганлигини аниқлаш;
- электр энергия таъминоти хизматларини кўрсатувчи субъектларда харажатларни сифат жиҳатдан ифодаловчи барча кўрсаткичларни ҳисоб-китоб қилиш ва уларни динамик ва статик жиҳатдан таҳлил қилиш;
- электр энергия таъминоти хизматларини кўрсатувчи субъектларда харажатлар бўйича ҳисоб ва ҳисоботдаги камчиликларни очиб бериш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича аниқ тавсияларни бериш.
- электр энергия таъминоти хизматларини кўрсатувчи субъектларда харажатлар ҳисобини яхшилаш бўйича аудиторлик тавсияларини бериш ва бошқалар.

Электр энергия таъминоти хизматларини кўрсатувчи субъектларда харажатлар аудитини самарали ўтиши аудиторлар олдига ушбу фаолият билан шуғулланувчи корхоналар мақоми, улар фаолиятини юритишга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни чуқур билишларини ҳамда уларга тўлиқ амал қилиш талабини ҳам қўяди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти туғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири). Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 10 ноябрда қабул қилинган. Сенат томонидан 2021 йил 5 февралда маъқулланган
2. Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. 2-қисм. Маъруза матни. – Самарқанд, СамИСИ, 2004
3. Rajaboyev Sh.Sh. and Raxmatov O.A... "IQTISODIY AXBOROTLARNI QAYTA ISHLASH BAZASINING TARKIBI VA UNI TASHKIL ETISH BOSQICHLARI" Экономика и социум, no. 4-2 (119), 2024, pp. 397-402.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 31.05.2024 йилдаги 319-сон
5. <https://www.het.uz/oz>
6. Rajaboev Shahboz Shodiyevich, and Raxmatov Ozodbek Aktam O'g'li. "Information Technology Is Now Used Everywhere". *Miasto Przyszłości*, vol. 44, Jan. 2024, pp. 114-21, <http://miastoprzyszlosci.com.pl/index.php/mp/article/view/2372>.
7. Rajaboev, Shahboz Shodiyevich, and Abdunazar Burkhonovich Gaffarov. "ESSENCE OF DECISIONS ON MEASURES FOR THE DEVELOPMENT OF INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGIES." *Bulletin news in New Science Society International Scientific Journal* 2.1 (2025): 120-125.